

**ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND PHARMACOLOGY**

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojmp>**RADIOLOGICAL EXAMINATION OF FACE-JAW JOINT WOUNDS****Jamolbek A. Djuraev***Associate Professor, PhD
Tashkent Medical Academy
Tashkent, Uzbekistan***Shukhrat A. Boymuradov***Researcher
Tashkent Medical Academy
Tashkent, Uzbekistan***Bakhtiyor K. Narmurotov***Researcher
Tashkent Medical Academy
Tashkent, Uzbekistan***Shokhrukh Sh. Yusupov***Researcher
Tashkent Medical Academy
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Face-jaw, trauma, face, brain, bone, neurological, social adaptation, acute, state, world, social problems.

Received: 15.01.22**Accepted:** 27.02.22**Published:** 5.03.22

Abstract: The reason for the interest in the problem of facial and maxillofacial injuries (CJS) is the increase in the number of injuries to the tissue structures of the face and brain, which is characterized by uncertainty of consequences and difficulty of treatment outcome. Occurrence of neurological deficits in the post-injury period disrupts patients' social adjustment. The serious consequences of acute joint facial injuries make it one of the social problems of national and global importance.

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИНИ РАДИОЛОГИК ТЕКШИРУВ
НАТИЖАЛАРИ**

Жамолбек А. Джураев

Доцент, PhD

Тошкент Тиббиёт Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Шухрат А. Боймуродов

Тадқиқотчи

Тошкент Тиббиёт Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Бахтияр К. Нармуротов

Тадқиқотчи

Тошкент Тиббиёт Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Шоҳруҳ Ш. Юсупов

Тадқиқотчи

Тошкент Тиббиёт Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Юз-жағ, жароҳат, юз, мия, суяқ, неврологик, ижтимоий мослашув, ўткир, давлат, жаҳон, ижтимоий муаммолар.

Аннотация: Юз-жағ соҳаси жароҳатлари (ЮЖСЖ) муаммосига бўлган кизиқишининг сабаби, юз ва мия бош суяги тўқимавий тузилмалари жароҳатланиши сонининг кўпайиши хисобланади, у оқибатларнинг ноаниклиги ва даволаш натижасининг муаммолилиги билан тавсифланади. Жароҳатланишдан кейин-ги даврда неврологик нуқсонларнинг юзага келиши беморларнинг ижтимоий мослашувини бузади. Ўткир қўшма юз-жағ жароҳатларининг жиддий оқибатлари уни давлат ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган ижтимоий муаммолар қаторига киришига сабаб бўлади

РЕНТГЕНОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ РАН ЛИЦЕВО-ЧЕЛЮСТНЫХ СУСТАВОВ

Джамолбек А. Джураев

Доцент, PhD

Ташкентская Медицинская Академия

Ташкент, Узбекистан

Шухрат А. Боймурадов

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Бакстияр К. Нармуротов

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Шохрукс Ш. Юсупов

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Лицо-челюсть, травма, лицо, мозг, кость, неврология, социальная адаптация, острая, состояние, мир, социальные проблемы.

Аннотация: Причиной интереса к проблеме лицевых и челюстно-лицевых травм (ЧЧЛ) является увеличение числа повреждений тканевых структур лица и головного мозга, характеризующееся неопределенностью последствий и сложностью исхода лечения. Возникновение неврологического дефицита в посттравматическом периоде нарушает социальную адаптацию больных. Тяжелые последствия острых суставных травм лица делают ее одной из социальных проблем национального и мирового значения.

КИРИШ

Юз-жағ соҳаси жароҳатлари (ЮЖСЖ) муаммосига бўлган қизиқишнинг сабаби, юз ва мия бош суюги тўқимавий тузилмалари жароҳатланиши сонининг кўпайиши ҳисобланади, у оқибатларнинг ноаниқлиги ва даволаш натижасининг муаммолилиги билан тавсифланади. Жароҳатланишдан кейинги даврда неврологик нуксонларнинг юзага келиши беморларнинг ижтимоий мослашувини бузади. Ўткир қўшма юз-жағ жароҳатларининг жиддий оқибатлари уни давлат ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган ижтимоий муаммолар қаторига сабаб бўлади [1-6].

Муаллифларнинг фикрларига кўра юз-жағ жароҳатларининг учраш частотасини аниқлаш, улар ривожланишининг асосий тенденцияларини ўрганиш жабрланганларга

ёрдам бериш учун зарур бўлган даволаш чора-тадбирларининг ҳажмини режалаштириш имконини беради.

Адабиётларда тасвирланган, юз-жағ жароҳатларининг келиб чиқиш сабаби, жойлашиши ва табиатини акс эттирувчи статистик маълумотлар кўп ҳолларда 60-80-йиллардаги даврга тўғри келади ва одатда, фрагментар характерга эга [7,8,9].

Тадқиқотлар [10] юз-жағ жароҳатлари частотасининг таҳлилини тўликроқ беради.

Бироқ, кўпчилик муаллифлар юз-жағ жароҳатларининг хусусиятини фақат юз соҳаси шикастланиши таркибида ўрганганлар [11-16]. Ушбу муаммони ҳал қилишининг бундай ёндашуви бир томонлама ҳисобланади ва травматик жароҳатларнинг тўлиқ спектрини қамраб олмайди, бу биринчи навбатда неврологик клиник белгилари кам бўлган жароҳатларга тегишли. Буни тушунтирса бўлади, чунки юз суюкларининг жароҳати фонида, бундай беморлар одатда мия шикастланишининг ушбу кўринишларига эътибор бермайдилар.

Юз-жағ соҳасидаги қўшма жароҳатларнинг частотаси ҳақидаги маълумотлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ЮЖСЖ билан БМЖ нинг бирга учраши 100000 аҳолига 3,2-60 одамга тўғри келади [17]. Либерг А.А. 2004 йилда юз суюкларининг синиши билан БМЖ бирга учрайдиган қўшма жароҳатлар частотаси кўпаяётганлигини таъкидлайди.

Бошқа муаллифларнинг фикрига кўра [18,19], қўшма ЮЖСЖ частотаси БМЖ оғир кечиши билан ортиб боради. Уларнинг частотаси ортиб, БМЖ ва узоқ муддатли кома ҳолатида бўлганлар орасида 61%га етди, изоляцияланган ёпиқ БМЖ билан бош мия чайқалиши эса 94% қузатувларда учради.

Бошқа муаллифларнинг фикрича [20], рақамлардаги катта фарқларни кузатилган беморлар контингентининг турличалиги ва неврологик текширувларнинг ҳар хил ҳажмда ўтказилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Муаллифлар статистик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб, юз-жағ ва бош мия қўшма жароҳатларининг частотаси 6%-86% ни ташкил этишини таъкидлашади. Уларнинг фикрига кўра, айрим муаллифлар стоматологик, бошқалари нейрохирургик шифохоналарнинг клиник материалларини, бир қатор тадқиқотчилар эса ҳам касалхоналар, ва ҳам поликлиникаларни ўрганадилар. Баъзи клиникаларда неврологик текширувлар сони кўп бўлса, бошқаларида текширув невропатологнининг кўриги билан чекланади, баъзан эса у ҳам умуман амалга оширилмайди.

Бошқа тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пастки жағ синишларида бош миянинг чайқалиш частотаси 20%дан 50% гача ва ундан кўп бўлади [20-23].

Шундай қилиб, адабиётларни таҳлил қилиш, ЮЖС жароҳатида мия дисфункциясининг мавжудлиги ҳакида ягона фикр йўқлигини таъкидлаш имконини беради. ЮЖС ва БМ жароҳатланган беморларда қайд этилган саломатликнинг жиддий бузилишлари, уларни ўз вақтида ва самарали реабилитация қилиш муҳимлигини белгилайди. Ушбу муаммонинг муҳимлигига ва юз-бош суюги тўқималарининг қўшма жароҳатлари сонининг ортиб кетаётганлигига қарамай, ҳозирги вақтгача юз-жағ жароҳатлари юзага келиш частотаси ҳакида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Адабий нашрлардаги қўшма жароҳатларнинг тарқалиш қўрсаткичлари ўртасидаги сезиларли фарқлар, юз-жағ соҳасини ташхислашга муаллифлар ёндашуvinинг турличалиги, текширилаётган bemorlar ёшидаги фарқлар, шунингдек, bemorlarни ихтисослашуви турлича бўлган касалхоналарда даволаниши натижаси ҳисобланади.

Тадқиқот ишмизнинг **мақсади** юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатларини рентгенологик хусусиятларини ўрганиш.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг юз-жағ бўлимида 2017-2020-йилларда юз соҳасининг қўшма жароҳатлари бўйича даволанган 120 нафар bemor тадқиқотимизда иштирок этди ва кузатув остида бўлди. Назорат гуруҳини (деярли соғлом) 40 та киши (ўртacha ёш $33,6\pm4,2$ ёш) ташкил этди. Текширилганларнинг ёши 20 ёшдан 60 ёшгача (ўртacha ёш $30,4\pm5,0$ ёш) бўлиб, bemorlarning ёшга қараб тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, кўп ҳолларда пастки жағ жароҳати энг меҳнатга лаёқатли 21-40 ёшдаги шахслар томонидан олинган бўлиб, улар текширилган барча bemorlarning 79% ини ташкил этди.

1-жадвал

Текширилган bemorlarning ёшга қараб тақсимланиши

Ёш гуруҳлари					
21-30 ёш		31-40 ёш		41-60 ёш	
мутлақ	%	мутлақ	%	мутлақ	%
48	47	31	34	21	19

Пастки жағ шикастидан кейинги жароҳат жараёни фақат эркакларда ўрганилди, чунки кўпинча - 92,3% ҳолларда эркаклар юз-жағ жароҳатига учрашади.


Bemorlar бўлимга қабул қилинганда анамнез йигилди, унда шикастланиш сабаби, унинг механизми, шикастланиш вақти ва касалхонага ётқизилгунча бўлган вақт, бошидан ўтказган ва ёндош касалликлари, заарарли одатларга эътибор қаратилди. Бош суюги-мия

жароҳатига шубҳа қилинганда, невролог кўриги, ёндош патологияни истисно қилиш учун - терапевт, травматолог, оториноларинголог, офтальмолог, нарколог кўриги буюрилди.

Операциядан олдинги босқичдаги текширувда барча bemorlar ($n = 120$; 100%) нурли диагностика усуллари - рентгенография, КНКТ, МСКТ ва фМСКТ текширувидан ўтказилди, у юзнинг суяк ва юмшоқ тўқимали тузилмалари жароҳати таърифининг ишлаб чиқилган ва кенгайтирилган протоколига мувофиқ амалга оширилди.

Ушбу соҳанинг **рентгенологик текшируви** суякларнинг бутунлигини қўйидаги хусусиятларга: синишининг кўринадиган чизифи, суяк контури силликлигининг бузилганлиги ва ёноқ-пешона ($n = 54$; 45%), кўз ости ($n = 58$; 48,3%), ёноқ-алвеоляр соҳаларда ($n = 38$; 31,6%) суяк парчаларининг силжиганлигига кўра баҳолаш имконини берди. Жароҳатланган орбита ҳажмининг катталлашиши 21 та ҳолатда (17,5%) қайд этилди. Шунингдек, юзнинг ўрта зонаси жароҳатланишининг билвосита белгилари: жароҳатланган томонда ($n = 29$; 24,2%) юқори жағ бўшлифи ва юзнинг юмшоқ тўқималари ($n = 64$; 53,3%) соҳасида қоронғилашиш учради. 4 та bemorda (3,3%) юзнинг ўрта қисмида ва орбитада ёт жисм белгилари қайд этилди.


Рентгенологик усул ёрдамида орбита юмшоқ тўқималарининг ҳолати хақида батафсил маълумот олиб бўлмади (1-расм).



1-расм. Рентгенограммалар. Юз скелетининг бурун-энгак проекцияси (А), юз – бош сиягининг тўғри проекцияси (Б)

Посттравматик даврда 120 та bemorda (100%) **КНКТ** амалга оширилди. Юзнинг ўрта зонасидаги суяк тузилмаларининг жароҳати аниқланган bemorlar сони КНКТда ва МСКТда бир хил бўлди. 6 та bemorda (5%) юзнинг ўрта қисмида ва орбитада ёт жисмлар учради.

Юқори жағ бўшлиғига юмшоқ тўқималарнинг кириб қолиши 34 та беморда (28,3%) аниқланди, аммо бу усулнинг камчилиги юмшоқ тўқималарни тўлиқ фарқлаб бўйламаслиги ҳисобланади, КНКТда орбитанинг юмшоқ тўқимали тузилмаларини ва юзнинг юмшоқ тўқималарини баҳолаш мухим диагностик маълумотларни аниқлашга имкон бермади (2-расм).




2-расм - КНКТ, коронар текислик. Юқори жағ бўшлиғи деворлари ва фронтал синус олд деворининг суюк-травматик жароҳати кўринади.

МСКТ барча 120 та беморда (100%) юзнинг ўрта қисмидағи суюк тузилмаларининг жароҳатини аниқлади.

КТ маълумотлари бўйича жароҳатланган орбитанинг симметрияси, позицияси ва шаклининг ўзгариши 35 та беморда (33%) визуал аниқланди. 2 та беморда (2%) юзнинг ўрта қисми икки томонлама жароҳатланганлиги туфайли иккала орбитанинг симметрияси, позицияси ва шакли бузилганлиги аниқланди.


Орбита пастки деворининг синиши кўпчилик беморларда учради ($n=88$; 82%). Орбита латерал (ён) деворининг синиши 59 та ҳолатда (55%), яъни медиал девор синиши - 41 та беморда (38%), юқори девор синиши - 21 та беморда (19%) аниқланди. Орбита битта деворининг синиши 33 та беморда (31%), иккита деворининг синиши - 27 та ҳолатда (25%), учта деворининг синиши - 22 та ҳолатда (20%) ва барча деворининг синиши 7 та беморда (6%) аниқланди (3-расм).



3-расм. Пастки девор. Латерал девор. Медиал девор. Юқори девор.

Орбита деворларининг шикастланиш частотаси

Орбита пастки деворининг катта ҳажмда синиши 20 та беморда (19%) учради. Бошқа ҳолатларда ($n=87$, 81%) орбита пастки деворидаги жароҳатларнинг жойлашуви куйидагича тақсимланди (4-расм).



4-расм. МСКТ, коронар текисликлар. А - ўнг орбита пастки девори марказий қисмининг синиши (стрелка), Б - ўнг орбита пастки девори медиал қисмининг синиши (стрелка), В - кўз ости канал деворлари (стрелка) соҳасида ўнг орбита пастки деворининг синиши, Д - чап орбита пастки деворининг тотал синиши (стрелка)

Орбитанинг муҳим анатомик суюк тузилмаларининг жароҳати куйидагича тақсимланди:

- орбита чўққиси -12 та бемор (11%),
- кўз ости канали - 65 та бемор (61%),
- бурун-кўз ёши канали - 22 та бемор (20%),
- юқори ва пастки кўз ёриқлари -7 та бемор (6%).

43 та беморда (40%) орбита ичи эмфизема белгилари қайд этилди. 2-жадвалда юз суюклари ва бурун ёндош синуслари суюкларининг жароҳатига кўра беморларнинг тақсимланиши кўрсатилган.

2 - жадвал

Юз суюкларининг жароҳатига кўра беморларнинг тақсимланиши

Юз суюкларининг жароҳатлари	Жами
-----------------------------	------

	Мутлақ	%
Юқори жағ, шу жумладан юқори жағ синуси, алвеоляр үсік, тишлар	115	107
Ёноқ сұяги	82	77
Ёноқ ёйи	65	61
Фалвирсимон сұяқ катаклари	63	59
Понасимон сұяқ, шу жумладан понасимон синус	54	50
Пешона сұяги, шу жумладан пешона синуси	41	38
Бурун сұяги	33	31
Бурун түсіfi, бурун чиғаноғи, димоғ сұяги	30	32
Танглай сұяги	26	24
Күз ёш сұяги	24	22
Пастки жағ	30	32

Күпгина беморларда пастки жағнинг синиши (30 та бемор, 32%) қайд әтилди. Шунингдек, 115 та беморда (107%) юқори жағнинг сұяқ-травматик шикасти, шу жумладан, юқори жағ синуси, алвеоляр үсік ва тишлар жароҳатлари аниқланды. Оз сонли беморларда күз ёш сұяклари жароҳатланды ($n = 24$; 22%). Кузатишлар сони 100% дан ошиб кетди, чунки жароҳатлар қўшма характерда эди.

З-жадвалда юз ўрта сохаси юмшоқ тўқима тузилмалари жароҳатига қўра беморларнинг тақсимланиши кўрсатилган.

Орбита юмшоқ тўқимали тузилмаларининг жароҳати

З-жадвал

Юз ўрта сохаси юмшоқ тўқимали тузилмаларининг жароҳатига қўра беморларнинг тақсимланиши

Юз ўрта зонаси юмшоқ тўқимаси тузилмаларининг жароҳати	Жами	
	Мутлақ	%
Орбитанинг бўшлиққа кириб қолиши	73	68
Юз юмшоқ тўқималарининг шишиши	51	48
Кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг жароҳати	44	41
Юз юмшоқ тўқималарининг эмфиземаси	36	34
Кўрув нервининг жароҳати	34	32
Энофталм, гипофталм	29	27
Кўз олмасининг жароҳати	19	17
Ёт жисмлар	9	8,4
Кўз ёш безининг жароҳати	4	3,7

Кузатишлар сони 100% дан ошиб кетди, чунки жароҳатлар қўшма жароҳат эди. Юзнинг ўрта зонаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари орасида орбитал таркибининг

юқори жағ синусига турли даражада тушиши күпчилик беморларда аниқланди ($n=73$; 68%).

Орбита юмшоқ түқималарининг юқори жағ бўшлиғига кириб қолиши 73 та беморда (68%) қайд этилди, бунда 29 та беморда (27%) юмшоқ түқималар комплекси, жумладан кўзни ҳаракатлантирувчи мушаклар, кўз нерви, ёғ түқималарини юқори жағ синусига силжиши, 44 та беморда (41%) эса, юқори жағ бўшлиғига факат ёғ түқимасининг силжиши аниқланди.


Энофтальм 29 та беморда (27%) учради. Кўз олмасининг жароҳати 19 та беморда (17%), шу жумладан кўз олмасининг ёрилиши ($n=4$; 3%), гавҳарнинг силжиши ($n=5$; 4,7%), шишасимон танага қон қўйилиши ($n=3$; 2,8%) аниқланди.

Кўрув нервининг шикастланиши 34 та (32%) беморда, унинг йўлининг қийшайиши ($n=11$, 10%), қалинлашиши ($n=14$, 13%) ва юқори жағ синусига кириши ($n=28$, 26%) кўринишида қайд этилди. Кўрув нервининг узилиши 7 та ҳолатда (6,5%) учради.

44 та беморда (41%) кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг шикастланиши кузатилди. Мушакларнинг қийшайиши ($n=38$, 35%), уларнинг қалинлашиши ($n=41$, 38%), кичик суяқ парчалари билан шикастланиши ($n=19$, 17%) ва юқори жағ синусига кириб қолиши ($n=42$, 39%) қайд этилди. Кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг узилиши 7 та ҳолатда (6,5%) учради.

Юз ўрта зонаси жароҳати 36 та ҳолатда (34%) юмшоқ түқималарнинг эмфиземаси, орбита бўшлиғида ва юзнинг юмшоқ түқималарида ҳаво вакуолалари пайдо бўлиши, юздаги юмшоқ түқималарнинг шишиши ($n=51$; 48%), шунингдек, орбита бўшлиғида, юзнинг юмшоқ түқималарида ва мияда 1 мм дан 8 мм гача бўлган ёт жисмлар ($n=9$, 8,4%) бўлиши билан бирга учради. Кўз ёш безларининг силжиши 4 та ҳолатда (3,7%) аниқланди (5-расм).





5-расм. МСКТ. Суяк (А, Б) ва юмшоқ тўқима (В, Е) режими. Коронал (А, Б, В, Е) ва аксиал (Г, Д) реконструкциялар (стрелкалар)

А - юқори жағ синусига ўнг орбита ёғ тўқимасининг кириши (стрелка),

Б - юқори жағ синусига чап орбита ёғ клетчаткаси ва юмшоқ тўқимали тузилмаларнинг кириши (стрелка),

В - ўнг орбитанинг деформацияси, ўнг кўз олмасининг силжиши ва деформацияси, ўнг томонлама энофталм ва гипофталм,

Г- чап томонлама анофталм, чап кўрув нервининг, медиал ва латерал тўғри кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг узилиши,

Д - чап орбитанинг ва чап кўз олмасининг ёт жисмлари,

Е - юзнинг ўрта қисмидаги юмшоқ тўқималарнинг ва бош миянинг ёт жисмлари.


Қўшимча диагностик текширув доирасида офтальмолог консультациясидан ва мултиспирал компьютер томографияси ўтказилгандан сўнг, кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг посттравматик функционал бузилишларига шубҳа қилинган 15 та беморда (14%) фМСКТ ўтказилди.

фМСКТ маълумотларининг таҳлил алгоритмига: кўзни ҳаракатлантирувчи мушаклар ҳаракатларининг тўлиқлиги ва қисқаришини баҳолаш, кўз олмаси ва кўрув нерви ҳаракатлари чекланишининг таҳлили, орбитанинг юмшоқ тўқимали тузилмаларини шикастлайдиган суяк бўлакларининг мавжудлиги киради.

Кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг юқори жағ бўшлиғига паст ($n=6$; 5,6%), медиал ($n=4$; 3,7%) ва латерал ($n=5$; 4,7%) тушиши бўлган барча 15 та беморда (14%) ҳаракатланиш амплитудаси ва қисқаришининг пасайиши ва жароҳатланган томонда мушакнинг қалинлашуви кузатилди.

Жароҳатланган томонида кўз олмасининг ва кўрув нерви симметриясининг бузилиши ва ҳаракатларининг чекланиши 4 та беморда (3,7%) кузатилди. Пастки ва

медиал тўғри кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг суюк бўлаклари билан жароҳатланиши 4 та bemorda (3,7%) фМСКТ да тасдиқланди (6-расм).



6-расм. фМСКТ, сагиттал реконструкция. Жароҳатланган орбитани (а) соғлом томонга (Б) солишистирган ҳолда текшириш.

Олинган маълумотлар асосида барча bemorlar ($n=107$; 100%) жароҳатланиш турига кўра тақсимланди (4-жадвал).

4-жадвал

Жароҳатланиш турига кўра bemorlarning тақсимланиши

Жароҳатланиш тури	Жами	
	Мутлақ	
Орбита пастки деворининг жароҳати	26	24
Ёноқ-орбитал комплекс	51	48
Юз соҳасининг кўп сонли жароҳати	43	28
Хаммаси	120	100

Аксарият bemorlarда ($n=51$; 48%) ёноқ-орбитал комплекснинг жароҳати, 30 та bemorda (28%) юз ўрта қисми суюк ва юмшоқ тўқимали тузилмаларининг кўп сонли ва кўшма жароҳатлари, озчилик bemorlarда ($n=26$; 24%) орбита пастки деворининг изоляцияланган жароҳати аниқланди.

Юзниг ўрта зонаси тузилмаларининг ҳолатини жароҳатлар муддатига кўра аниқлаш мақсадида ҳар бир гуруҳдаги bemorlar кўшимча равишда жароҳат олган пайтдан бошлаб ўткир давр, шакллананаётган ва шаклланган посттравматик деформациялар (ПТД) босқичларига бўлинди (5-жадвал).

5-жадвал

Операциядан олдинги босқичда жароҳатларнинг турига ва муддатига кўра беморларнинг
тақсимланиши

Касалхонага тушган муддати	Жароҳатлар тури		
	Орбита пастки деворининг изоляцияланган жароҳати	Ёнок-орбитал комплекс	Юзнинг ўрта зонаси тузилмаларининг кўп сонли жароҳати
Ўткир давр	18 (16,8%)	27 (25,2%)	5 (4,7%)
ПТД шаклланаётган давр	6 (5,6%)	17 (16%)	7 (6,5%)
ПТД шаклланган давр	2 (1,9%)	7 (6,5%)	18 (16,8%)

Ўткир даврда жароҳат олган bemorларнинг аксарияти - 17 та (16%) bemor орбита пастки деворининг изоляцияланган жароҳати ($n = 18$, 16,8%) ва ёноқ-орбитал жароҳати билан ($n = 27$, 25,2%) ПТД шаклланаётган босқичда касалхонага келиб тушди. ПТД шаклланган босқичда bemorларнинг кўпчилигига юзнинг ўрта зонаси тузилмаларининг кўп сонли жароҳати аниқланди ($n = 18$, 16,8%).

ХУЛОСА

Шундай қилиб, юз-жағ сүяклари соҳаси юмшоқ тўқималарининг шикастланишини ташхислашда рентгенологик усуслари аниқ ва тезкор ташхис қўйиш, ўз вақтида даво муолажаларини бошлиш, энг муҳими, анатомик яхлитликни тиклаш, тўқималар ва аъзоларнинг функционал ҳолатини тиклашни имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., Vohidov, U. N., & Sharipov, S. S. (2020). Results of Allergological and Immunological Research in Patients with Polypoid Rhinosinusitis. *Asian Journal of Immunology*, 34-40.
2. Botirov, A. J., Isroilov, R. I., Matkulihev, K. H. M., SH, K. U. K., Akhundjanov, N. O., Djuraev, J. A., ... & Zokirova, Z. J. (2020). Clinical and morphological results of xenografts to use in myringoplasty. *The International Tinnitus Journal*, 24(1), 1-6.
3. Khasanov, U. S., & Djuraev, J. A. (2020). MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CHRONIC POLYPOUS RHINOSINUSITIS. *CUTTING EDGE-SCIENCE*, 30.
4. Djuraev, J. A., & Khasanov, U. S. (2021). Results of Frequency Analysis Distribution of Polymorphism Rs1800895 592c> A In Il10 Gene among Patients with Chronic Polypoid Rhinosinusitis. *International Journal Of Medical Science And Clinical Research Studies*, 1(6), 129-134.
5. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., & Vohidov, U. N. (2018). The prevalence of chronic inflammatory diseases of the nose and paranasal sinuses in patients with myocarditis. *European Science Review*, (5-6), 147-149.

6. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., Botirov, A. J., & Shaumarov, A. Z. (2020). Results of an immunogistochemical study in patients with polipoid rhinosinusitis. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 2526-2541.
7. Shaumarov, A. Z., Shaikhova, H. E., Normurodov, B. K., Akhmedov, S. E., & Djuraev, J. A. (2021). Role of Hemostatic Agents in Simultaneous Surgical Interventions in the Nasal Cavity. *Journal of Experimental and Clinical Surgery*, 14(2), 175-180.
8. UN, K. U. D. J. V., & Botirov, A. J. (2021). Frequency analysis results distribution of C589T rs2243250 polymorphism in IL4 gene among patients with chronic rhinosinusitis.
9. Nordjigitov, F. N., & Djuraev, J. A. (2021). RESULTS OF MORPHOLOGICAL STUDIES OF VARIOUS FORMS OF CHRONIC TONSILLITIS. *Central Asian Journal of Medicine*, 2021(4), 125-132.
10. Khasanov, U. S., Djuraev, J. A., Vokhidov, U. N., Khujanov, S. K., Botirov, A. Z., & Shaumarov, A. Z. (2022). RESULTS OF FREQUENCY ANALYSIS DISTRIBUTION OF A1188C RS3212227 POLYMORPHISM IN THE IL 12B GENE AMONG PATIENTS WITH CHRONIC RHINOSINUSITIS POLYPOSIS. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(01), 104-115.
11. Khasanov, U. S., Djuraev, J. A., Vokhidov, U. N., & Botirov, A. J. Morphological Characteristics of the Cysts of the Maxillary Sinuses. In *International Scientific and Current Research Conferences*.
12. Khasanov, U. S., Abdullaev, U. P., & Djuraev, J. A. (2022). RESULTS OF AUDIOLOGICAL EXAMINATION IN ACUTE SENSORINEURAL HEARING LOSS OF VARIOUS GENESIS. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(01), 24-50.
13. Boymuradov, S. A., Kurbonov, Y. K., Djuraev, J. A., & Botirov, A. J. (2022). RESULTS OF A MORPHOLOGICAL STUDY OF MUCORMYCOSIS COMPLICATIONS OF THE MAXILLOFACIAL AREA AFTER COVID-19. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(01), 1-23.
14. Djuraev, J. A., Khasanov, U. S., Vokhidov, U. N., Botirov, A. J., Akhundjanov, N. A., Ergashev, U. M., ... & Shaumarov, A. Z. (2021). Distribution of Allel Variants and Genotypes of Il4, Il10, Il12b, Tlr2 Genes in the Group of Patients with CPRS. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 4466-4470.
15. Khasanov, U. S., Khaydarova, G. S., Rakhimjonova, G. A., & Djuraev, J. A. (2022). BOLALARDA EKSUDATİV OTITNI DAVOLASH USULI. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(1), 64-80.
16. Nigmatov, I. O., Boymuradov, S. A., Djuraev, J. A., & Shukhratovich, Y. S. (2021). Features of the application of fat tissue auto transplantation (Lipofiling) in patients with

deformities of the maxillofacial region. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 195-204.

17. Khasanov, U. S., Khayitov, O. R., & Djuraev, J. A. (2021). OF THE STATE OF HEARING AND CEREBRAL HEMODYNAMICS IN PATIENTS WITH DEVIATION OF THE NASAL SEPTUM. In *НАУКА, КУЛЬТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 185-187).
18. Djuraev, J. A., & Makhsitaliev, M. I. Morphofunctional State of the Maxillary Sinus Mucosa in Patients After Endoscopic Infundibulotomy.
19. Khasanov, U. S., Khayitov, O. R., & Djuraev, J. A. On The Features of Changes In Hearing And Cerebral Hemodynamics In Patients With Nasal Obstruction Curvature.
20. Khasanov, U. S., Vokhidov, U. N., & Djuraev, J. A. (2018). State of the nasal cavity in chronic inflammatory diseases of the nose and paranasal sinuses in patients with myocarditis. *European science*, (9 (41)).–2018.
21. Boymuradov, S. A., Kurbonov, Y. K., Djuraev, J. A., & Botirov, A. J. (2022). COVID-19ДАН КЕЙИНГИ ЙОЗ-ЖАФ СОҲАСИ МУКОРМИКОЗ АСОРАТЛАРИ МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ. *Oriental Journal of Medicine and Pharmacology*, 2(1), 1-23.
22. Kurbonov, Y. K., Boymuradov, S. A., & Djuraev, J. A. (2021). Overview Of Comprehensive Treatment Of Acute Purulent-Inflammatory Diseases Of The Face And Neck. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(01), 1523.
23. Kurbonov, Y. K., Boymuradov, S. A., & Djuraev, J. A. (2021). Purulent-Necrotic Diseases of The Face: Aspects of Diagnostics and Treatment. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3, 24-30.